



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 3-iyun • Payshanba • 65 (31.185) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

Сайловчилар билан учрашувлар

КЎПЧИЛИКНИНГ ФИКРИ

парламент фаолиятини самарали
таъкил этиш учун жуда муҳим

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты ва Сенати аъзоси мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасига асосан шу кунларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари сайлов округларида фаолият олиб боришмоқда. Жойларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказилмоқда, қонун ва қарорлар ижроси аҳволи ўрганилмоқда. Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри ва Қибрай туманида ана шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Латиф Гуломовнинг 86-сайлов округи сайловчилари билан бўлган учрашувда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Маҳалла» жамғармаси, ҳокимликлар вакиллари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари раҳбарлари, партия фаоллари, халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари иштирок этдилар.

Учрашувлар жараёнида мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида қилган маърузаларидан келиб чиқадиган устувор вазифалар мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди. Қонунчилик палатаси ва Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси фаолияти, фракция аъзолари ташаббуси билан ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнида фракция томонидан ўтказилган тадбирлар ҳақида ахборот берилди.

Энг муҳими, қонунлар ва қарорларнинг мазкур ҳудудлардаги ижроси аҳволи ўрганиб чиқилди. Аксарият саволлар ҳам меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, «Баркамол авлод йили» Дастурининг бажарилиши аҳоли, янги иш ўринлари яратиш ва 2010 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш, коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ва бошқа ижтимоий масалалар билан боғлиқ бўлди.

Сайловчилар билан учрашувлар туғандан сўнг, тегишли ҳудудлардаги фуқаролар йиғинлари раисла-

ри билан суҳбат ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилишини ўрганиш эди. Мазкур масала муҳокамаси пайтида оқсоқоллар қонун ижроси самарадорлиги билан боғлиқ айрим муаммолар борлигини айтишди. Баҳс-мунозаралардан сўнг биргаликда аниқ таклифлар билдирилди. Депутат ушбу таклифлар қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда инobatга олинишини таъкидлади.

Хусусан, кам таъминланган oila-ларга моддий ёрдам кўрсатиш ме-зонларини аниқлаш тартиби, маҳал-ла ҳудудларини ободонлаштириш ва аҳолининг муҳтож қатламни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун ихтиёрий хайриялар ва бошқа маблағлар-ни жалб қилиш бўйича фуқаролар йиғинлари ишини фаоллаштириш, маҳалланинг фуқаролик жамияти бошқа институтлари билан ҳамкор-ликда меҳнатнинг касаначилик шак-ларини ривожлантириш, баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда фуқаро-лар ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатига қирадиган бошқа маса-лалар бўйича таклифлар киритилди.

Депутатларимизнинг сайлов ок-ругларидаги фаолияти, сайловчилар фикр-мулоҳазаларини эшитиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариб олишга имкон яратмоқда. Бу эса мамла-кат парламентининг қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолияти устувор йўналишларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати



ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

Нафосатнинг сирли олами

ЎзХДП Марказий Кенгаши ва «SANVIKT» маркази ҳамкорлигида иқтидорли ногирон болалар ҳамда ўсмирларнинг бадиий ва амалий санъат кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмада таниқли рас-сомлар, иқтидорли талаба ёшлар ҳам иштирок этди.

— Маълум бир касбга, хунарга нисбатан муносабат аввало ички иштиёқ, сўнгра тарбия жараёнида шаклланади, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Мухтар Абдураҳмонова. — Орамизда жисмоний им-конияти чекланган бўлса-да, санъатнинг маълум турларида қобилиятли ёшлар бор. Кўргазмани ташкил этишдан мақсад ана шундай йигит-қизлар-нинг ижодий имкониятла-рини рағбатлантиришдан иборат.

«SANVIKT» иқтидорли ногирон болалар маркази-да санъатнинг ўймақор-лик, бўёқ миниатюраси, расомчилик турлари бўйича сабоқ берилди, — дейди марказ директори Гулсара Ражабова. — Уқувчиларимиз ушбу йўна-лишлар бўйича бир неча бор халқро кўргазмалар-да иштирок этдилар. Ин-сон учун сўхат-саломатлик қанчалик зарур бўлса, қалб учун меҳр, эътибор шунчалик муҳим. Уйлай-манки, кўргазма иқтидор-ли ногирон ёшларнинг им-



кониятларини рўёбга чи-қаришга хизмат қилади. Суратларни томоша қилар эканмиз, табиат-нинг баъзида оддий одам-лар илғай олмаган сиру синоатини, гўзаллигини

мўйқаламда акс этган ижодкор ёшлар маҳорати-га тан берасиз. Кўргазма сўнггида иш-тирокчиларга эсдалик совғалари топширилди. Дилафрўз ЗАЙНИЕВА

Бой
берилаётган
имкониятлар

>2

Халқро
анжуманлар
саройи

>3

Илмнинг
машаққатли
йўлларида

>4

— Жаҳон миқёсида иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайиб кетаётганига қарамай, Ўзбекистонда макроеқтисодий барқарорлик сақланиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми муттасил ўсаятгани, кенг қўламли таркибий ўзгаришлар ва бозор механизмларини мустаҳкамлаш давом этаётир. Буларнинг барчаси халқро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилаётир.»

Энтони РЕУВЕЙ,
«Бизнес Таймс»
журналининг Токиодаги
мухбири



Болажонлар байрами кенг нишонланди

Халқимизнинг болаларга меҳри нақадар баланд. Кунни кеча Халқро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан мамлакатимизнинг барча минтақаларида ўтказилган байрам тадбирлари ҳам ушбу фикрларнинг нақадар ҳақиқат эканини яна бир бор исботлади. Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, фаоллари, депутатлари ташаббуси билан ҳам жойларда қатор тадбирлар уюштирилди.

2-бет >>>

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

Аҳолига қулайлик яратилди

Самарқандда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан шаҳардаги 30 та йўналишга 195 та янги автобуслар қўйилди. «Самарқандтранс» марказидан олинган маълумотга кўра, Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқилган «Исузи» русумли автобуслар белгиланган жадал асосида аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

— Бу автобусларнинг «Самарқандтранс» маркази мутахассиси Эргаш Муродов. Янги йўналишлар бўйлаб автобуслар ҳаракатланиши муносабати билан «Хазора», «Те-

мирйўл», «Сиёб», «Шоҳи Зинда» шохбекатлари куриб, фойдаланишга топширилди. Мазкур автобусларда йўлқира ҳақининг 300 сўм қилиб белгилашни, айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами вакилларига манзур бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда Самарқанд шаҳар йўлларида 2514-сонли автожамланма томонидан 180 та автобус аҳолига беминнат хизмат кўрсатмоқда. Абдували ХУДОЁРОВ

Замонавий уйлар

Навоий вилоятининг Қизилтепа ва Кармана туманларида замонавий лойиҳалар асосида 40 та янги уй-жой куриб, фойдаланишга топширилди.

— Кейинги бир ойнанинг ўзида Қизилтепа-нинг «Малиқобод»ида 20 та, Кармананинг «Хазораси»да ҳам 20 та турар-жой бинола-

топширамиз, — дейди акционерлик тижорат «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Навоий вилоят филиали бошқарувчиси Абдухалил Тўрақулов.

Бугун нафақат Кармана ва Қизилтепада, балки Нурота, Навбахор, Кониҳем туманларида ҳам замонавий уйлар қурилиши жадал кетмоқда. Музаффар ШАРОПОВ

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 1 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларини юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун ҳорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади.*

1 Австралия доллари	1342,22
1 Англия фунт стерлинги	2289,20
1 Дания кронаси	262,11
1 БАА дирҳами	430,79
1 АҚШ доллари	1582,25
1 Инср фунти	279,62
1 Исландия кронаси	12,26
1 Канада доллари	1508,05
1 Хитой юани	231,73
1 Малайзия ринггити	486,40
1 Польша злотийси	478,17
1 СДР	2332,76
1 Туркия лираси	1013,81
1 Швейцария франки	1370,63
1 Евро	1951,64
10 Жанубий Корё вони	13,20
1 Япония йенаси	173,17
1 Россия рубли	51,88
1 Украина гривнаси	199,65

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston
havo yo'li
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар
лицензияланган

3 июнь об-ҳавоси		Юртимизда		Хорижда	
Тошкент	26°C	Лондон	20°C	Париж	25°C
Самарқанд	28°C	Москва	13°C	Мадрид	26°C
Нукус	26°C	Пекин	17°C	Токио	25°C
Қўрғи	27°C	Гонконг	25°C	Сингапур	27°C
Ургуч	27°C	Рим	21°C	Анкара	18°C
Навоий	28°C	Токио	22°C	Сидней	14°C
Ферғона	27°C	Сидней	14°C	Кейптаун	23°C
Бухоро	29°C	Қоҳира	27°C	Гавана	34°C
Ланджон	27°C	Вашингтон	17°C		
Наманган	27°C				
Термиз	31°C				
Жиззах	27°C				
Сирдарё	27°C				
Тошкент вил.	28°C				

ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида шахар болалар уйи жойлашган. Юз ўринга мўлжалланган мазкур муассасада айни пайтда 3-4 ёшгача бўлган 80 нафар бола тарбияланмоқда. Байрам арафасида ЎзХДПдан халқ депутатлари Тошкент шахар Кенгаши депутатлари Нигоора Эшметова, Алишер Искандаров ва Кимё Шокировлар мазкур муассасага ташриф буюриб, жажжи болажонларга совға-саломлар улашди.



Аброриса ХАЙДАРОВ олпан суратлар.

БОЛАЖОНЛАР БАЙРАМИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

— Бизнинг энг асосий вазифамиз болаларни соғломлаштириш, даъволаш, тарбиялашдан иборат, — дейди муассаса бош шифокори Гули Аббосхонова. — Жамоада 80 нафар ходим ишлаша, 2 нафари шифокор, 12 нафари ҳамшира. Юнусобод туман маслаҳат-ташхис поликлиникаси билан ҳамкорликда ҳар 3 ойда уларни ялғи тиббий кўридан ўтказамиз. Ундан ташқари, туғма нуқсонлар билан туғилган болаларни операцияга тайёрлаймиз. Муассасамиз тўлиқ давлат таъминотида. Шунинг билан бирга, соҳаватли инсонлар, ҳомийлар ёрдам бериб туради. — Байрам муносабати билан қатор тадбирларни ўтказаялмиз, — дейди Юнусобод туман партия кенгаши раиси Нигоора Эшметова. — Бу ерга айнан шифокор депутатларимиз билан бирга келдик. Сабаби, болажонларга ҳар жихатдан ёрдам кўрсатишни тўлиқ қилган эдик. Агар қандайдир муаммо ёки ечимлаётган масала туғилса, уларни ҳам депутатлик ваколатлари орқали бартараф этишга тайёрмиз.

— Сизларга хавасим келди, — деди Хабибулла Мансуров. — Шундай хур замонда униб-ўсаётган мустақил юрт фарзандларисиз! Сизлар учун юртимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Ўқиб, илм олаясиз, иқтидор ва имкониятларингиз қўллаб-қувватланапти. Демак, ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб вояга етиш сизнинг Ватан олдидаги фахрли бурчингиздир. — Маҳалламизда 3970 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла маслаҳатчиси, ҳудудий партия ташкилоты раиси Бахтли Раҳматуллаева. — Бу каби тадбирларни қўллаб ўтказамиз. Уларнинг ҳар бирида Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгашининг алоҳида ҳиссаси бор. Маҳалламизда 300 нафарга яқин киши шу партиянинг аъзоси. Партия фаоллари билан биргаликда ҳудудимиздаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан хабар оламиз. Болалар тарбияси, саломатлиги алоҳида эътиборимизда. Мана бугун ҳам маҳалламиздаги барча болалар 3-поликлиника шифокорлари назоратидан ўтишди. — Спорт билан шуғулланган киши ҳар жихатдан соғ-

лом бўлади, — дейди шу маҳаллада истиқомат қилувчи болакай Сардорбек Жўраев. — Мен спортнинг каратэ тури билан шуғулланаман. Олти йил давомида бу борада кўпгина ютуқларга эришдим. Бу йил Қаршида ўтказилган мусобақада республика чемпиони бўлдим. Мақсадим бундан ҳам катта ютуқларга эришиб, юртим байрогини янада юксакка кўтаришдир. — ЎзХДП Тўртқўл туман кенгаши, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, «Экосан», ташкилоты ҳамда туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида катта хайрия тадбири ўтказилди. Тумандаги шахар болалар боғчаси тарбияланувчилари кўшиқ рақслари билан ўз маҳоратларини кўрсатишди. «Ёшлар» истироҳат боғида улар ўртасида спорт, асфальтга расм чизиб бўйича мусобақалар ўтказилди. Уларга ташкилотчилар томонидан совғасаломлар топширилди. — ЎзХДПдан сайланган депутатлар ҳам ўз сайлов округларида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган болалар, шунингдек, боғча тарбияланувчиларига ҳомийлик ёрдамлари кўрсатдилар. Жўжорғи Кенгес депутати Бахтиёр Джалғасов ўзи сайланган округдаги 10 ва 1-сонли болалар боғчаси тарбияланувчиларига совға-салом улашди, шунинг-

дек, Беруний маҳалласидан Дилафруз Сейитниязова, Гуласал Каримова, Ибносино маҳалласида истиқомат қилувчи Шукрулла Латипов ва Зафар Дурдиевлар ҳолидан хабар олишди. — *** — Болажонлар байрами муносабати билан ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси Саида Жўраева, шахар Кенгаши раиси Робия Қазимова, Олий Мажлис Сенати аъзоси, вилоят кенгаши депутаты Замир Адизов, Автомобиль ва йўллар коллежи директори Ҳамза Муҳаммедов, Бухоро шахар ҳокими Қиёмиддин Рустамовлар Роҳила Мухаммадиева раҳбарлик қилаётган Бухоро шахридаги оилавий Меҳрибонлик уйига ташриф буюришди. — *** — Улар болалар билан самимий суҳбатлашиб, тайёрланган саҳна кўринишларини томоша қилишди. 14 нафар турли ёшдаги болалар тарбияланаётган ушбу масканга замонавий кир ювиш машинаси, кийим-кечаклар ҳамда бошқа совғалар тақдим қилишди. — Мамлакатимизда болажонларга эътибор кўчи, — дейди Роҳила Мухаммадиева. — Масканимизда ҳам тарбияланувчи болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади. Бунда ЎзХДПдан сайланган депутатларнинг ҳам ҳиссаси катта. Улар бу ерга тез-тез келиб, болажонлар билан самимий суҳбатлар қуришади. Шунингдек, бошқа жойларда ҳам партиямиз фаоллари ташаббуси билан турли тадбирлар уюштирилди. — *** — Бухоро шифокори, Гўлрух ОДАШБОВА, Рейимбой ЭШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ЎзХДП: таҳлил ва танқид

Бой берилаётган имкониятлар

Ўрнини тўлдириб бўладими?

Ҳар қандай сиёсий қўчнинг обрўси унинг ғоялари ва амалий ишларига, шунингдек, етакчиларининг фаоллигига бевосита боғлиқ. Бундан тўрт-беш йил муқаддам ЎзХДП Бувайда туман кенгаши фаолиятида ҳам оғир аҳвол юзга келганди. Бугун эса партия фаоллари туман ҳаётининг барча жабҳаларида пешқадамлар сафида. Бирон-бир тадбир, ташаббус йўқки, унинг асосий иштирокчиси, ташкилотчиси ЎзХДП туман кенгаши ёки бошланғич ташкилотлари бўлмаса.

Йўқ, биз бугун Бувайда туман партия кенгаши иши ҳақида сўз юритмоқчи эмасмиз. Фақат амалий иш ва ҳаракат бор жойда одамларнинг партияга ишончи ортинини, партия ташкилотининг обрўси, хурмати бўлишини таъкидламоқчимиз, ҳоло. Ҳолбуки, Бувайда тажрибасидан бошқалар ибрат олса арзийди. Фаргона вилоятида Бағдод билан Олтиариқ туманлари бир-бирига ён қўшни. Аҳолисининг сони, ишлаб чиқариш тармоқлари ва бошқа имкониятлари ҳам деярли тенг. Одамларнинг турмуш тарзи бир хил. Шунинг учун бўлса керак, икки туманда ЎзХДП кенгашларининг фаолияти ҳам фарқланмаса керак, деб ўйлабандим. Аммо...

Олтиариқ туманида ЎзХДПнинг 2900 нафар аъзоси бор. Шу йилнинг ўзига 150 дан зиёд янги сифдошларга аъзолик гувоҳномалари топширилди. — Биз партия мақсад ва ғояларини кенг тарғиб қилишини икки хил самарали йўлни танладик. — дейди туман партия кенгаши раиси Мунаввархон Икромов. — Аввало, меҳнат жамоалари, маҳалларга кириб, электротар муаммоларини ўрганиш ва унинг ечимига доир ишларни амалга оширишга куч бердик. Аҳоли партия ташкилотининг сый-ҳаракатига муносиб баҳо берди. Одамлар туман кенгашидаги Жамоатчилик қабулхонасига ишонч билан турли масалаларда мурожаат қила бошладилар.

Дарҳақиқат, сўнгги бир йил мобайнида олтиариқликлар 175 бор Жамоатчилик қабулхонасига келиб, мурожаат қилишган. Мана, айрим мисоллар. Олтиариқ қишлоғидан Ҳикмат Тиллаев ишга жойлашишда ёрдам сўраган. Жамоатчилик қабулхонасига Умаровли Холмуродов номи фер-

муъжазгина битта хонада жойлашган бўлиб, унинг Жамоатчилик қабулхонасини, бир йилдирки, туман ҳокимининг буйруғи билан тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш инспекцияси эгаллаб олган. Ҳужжатлар билан танишганимизда, Жамоатчилик қабулхонасига бор-йўғи беш нафар фуқаро мурожаат қилгани ҳақидаги маълумотни кўрдик. Қабулхонанинг тўлақонли ишлаши учун ташкилотчи эмаслиги, туман кенгашида кадрлар масаласида камчиликлар мавжудлиги электротар мурожаатларини самарали ҳал қилишда, оқсоқилларга олиб келаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Шу кун туманнинг янги тайинланган ҳокими Сойибжон Рўзиев қабулга киридик. Вазиятни тўғри тушунган ҳоким Жамоатчилик қабулхонаси учун иккита хона ажратиб берди. Туман кенгашидаги мавжуд аҳвол юзасидан вилоят партия кенгаши томонидан ўз вақтида чоралар кўрилмагани, кадрлар қўшимчасизлиги сайлов натижаларига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Наҳажад Бағдод туманидан ЎзХДП кўрсатган номзодларнинг бирортаси ҳам халқ депутатлари Фаргона вилоят Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлана олмади. Аммо бу ҳеч кимни безовта қилаётгани йўқ. Кабинетдан жойларга чиқиб, амалий ёрдам кўрсатиш, ишнинг тўғри ташкил этиш вилоят партия кенгаши раҳбарларининг вазифаси эмасми?

Сиёсий қуч амалда электротар билан бирга бўлганда, унинг руҳини ҳис қилиб, муаммоларини ечиш учун курашганда мақсадларига ета олади. — *** — Электротарни ташвишга солаётган муаммоларни чўқур ўрганиш, уларнинг ечимини топиш учун курашиш, вакиллик органлари муҳокамасига тегишли масалаларни киритиш, шу орқали одамлар ишончини қозониш зарур бўлган бир пайтда, Бағдод туманида партиямиз бой бериётган имкониятлар учун ким жавоб беради?

Мухаммадjon ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: электротар манфаати

МАТОНАТЛИ АЁЛ

Иккинчи гуруҳ ногирони жиззахлик Муқаддасхон Норматова ҳақида

Ҳаёт тасодифлардан холи бўлмас экан. Тақдир йўллари сизни сир-синоатга тўла турмушнинг ўзингиз билган ва билмаган сўқмоқларидан олиб ўтаркан. Кимдир зеҳни, онги, иродасини ишга солиб, синовларни мардона энгиб ўтса, умрига мазмун ва маъно бахшида этса, кимдир бунга бардоши етмай, турмушнинг энгил-елпи кўчаларига ўзини ураркан.

Жиззахлик Муқаддасхон Норматова бахтсиз ҳодиса туфайли тўшака михланиб қолганида ҳам, кетма-кет икки марта мураккаб жаррохлик операциясини бошидан ўтказганида ҳам тушунлиққа тушмади, тақдириндан нолимади. Аксинча, ўзини қўлга олди, барча қийинчиликларнинг ортда қолишига, яхши кунлар келишига ишонди, инсонга хос сабр-тоқат, чидам ва умид билан яшайди. Бугун у ҳаётдаги ўша оғир дамларни, тақдир йўлларидagi синовли онларни кўнглида оғир ғам, кўзда ёш билан эслайди. — Ўша пайтда Муқаддас анча ёш, соғлом эди, савдо-сотик билан шуғулланарди. Тотув оила, шириндан-шакар фарзандлар, дилда бир олам орзуниятлар. Дунёда узидан бахтли инсон йўқ, деб ўйларди. Лекин фалокат оёқ остида, деганлар рост экан. Кунларнинг бирида эрта тонгда Муқаддас

олиши зарурлигини ҳис этди. Авайлабгина жаррохлик столига ётқи-зишгандани элас-элас эслайди, ҳоло. Кўзини очса, яна палатада ётибди. Тепасида баяги ҳамшира турибди: — Опажон, операция яхши ўтди. Энди ҳеч нарсадан хавотирланмангиз ҳам бўлади, бир ҳафтанинг ичиди соғайиб кетасиз. Муқаддасхон ҳорғин жипмайди. — *** — Автоалоқат чоғида умуртқаси жиддий шикастланган экан. Аввал қўлтиқтоқ ёрдамида, сўнг мустақил юридаган бўлди. Минг афсуски, умуртқаси яна панд берди: ётиб қолди. Узоқ масоҳатлашувдан кейин шифокорлар уни иккинчи бор жаррохлик столига олишди. Бу сафарги жаррохлик амалиёти тўрт соатга яқин давом этди. Ҳартуғул, муваффақиятли ўтди. Яна иродани ишга солиш, яна тинимсиз машқлар... — *** — Аҳоли яхшилана бошлади, ҳаёти бир қадар изга тушгандай бўлди. Турмуш ўртоғи Норпўлат ака, фарзандлари унга суянч, таянч бўлишди. Қариндош-уруғлари, кўни-қўшилари, яхши одамлар унга далда беришди, кўнглини кўтаришди. — *** — Орадан йиллар ўтди. Улар Муқаддасхон учун чинакам синов дав-

Соғлом она — соғлом бола

Тиббий хизмат ривожланмоқда



Юртбошимиз раҳамомлигида тиббий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётди. Замонавий тиббиёт муассасалари, айниқса, қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Фаргона туманида ҳам мазкур йўналишда қўллаб-қувватланаётган ишлар олиб борилаётди. Оила-ларда тиббий маданиятни шакллантириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод дунёга келишини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар режаси изчил амалга оширилмоқда. — Қишлоқ аҳолиси ўртасида турли касалликларни олдини олишда тушунтириш ишларининг ҳам аҳамияти катта, — дейди туман бош акушер-гинеколог Зухра Асророва. — Шунингдек, «Соғлом она — соғлом бола» мақсадли дастури асосида аниқ чораларни амалга ошириллаётди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

М.СУЛАЙМОНОВ, ўЗА мухбири.

